



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
IJTIMOIY FANLAR KAFEDRASI**

**ZAMONAVIY METODOLOGIYA KONTEKSTIDA
ISLOM ILMIY-MADANIY VA FALSAFIY MEROSI**

Xalqaro ilmiy konferensiya
2022-yil 27-may



Navoiy – 2022

Ки ўро бе даҳонаш хон⁵¹

Таржимаси:

Эй, дил, уни жсон ила иста.
Тилсиз, уни забонсиз иста.
У ёр шундай бир ёрдирки,
Уни сўзсиз, даҳансиз иста.

Демак, бу ерда қалб ҳақида гап кетяпти, демак **руҳий қалб** билан ўқиши, бу-тилни, комни ишлатмай ўқишидир. Бу билан тасаввуф таълимотида руҳий оламни билишда моддий кўз, моддий тил, ақлнинг ожизлиги кўрсатиляпти.

Абдухолик Ғиждувоний рубойлари инсонни маънавий – руҳий камолотга етказувчи маънавий хазина сифатида қадрлидир.

НАҚШБАНДЛИК ТАРИҚАТИНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

Тешаев Н.Н. - БухДУ “Миллий гоя , маънавият асослари ва ҳукуқ таълими” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Abstract. In the following article the new approaches to the spiritual basics of the order of Naqshbandiyya is analysed from the viewpoint of the scholars of the Middle Ages. Also the levels of the reaching to the Almighty is considered as per views religious scholars.

Расули акрам Мұхаммад алайхисалом ҳадиси шарифларидан бирида: “Уламо менинг ворисларим - меросхўрларимдир”,- деган эканлар.

Ҳаётбахш зиёсининг таъсири тоабад етадиган ҳазрат Боҳоуддин Нақшбанд, қуддуса сирруху, ана шундай Худо ёрлақаган алломалардан бири эди. У маънавий устози Абдулҳолик Ғиждувоний ўғитларидан “Хуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан” сўзларига амал қилди. Ҳожа Баҳоуддин аввалги даврларда ўтган хилватнишин, тарки дунёқилиб, хужрадан ҳеч қаёққа чиқмай , фақат ибодат қилибгина ўтирувчи дарвеш қалардарлар йўлидан бормаган. Алишер Навоий шуни таъкидлаб ёзди: “Яна сўрдиларки: “Сизнинг тариқингиз биноси не ишгадур?” Ҳожа Баҳоуддин дедиларки: “Анжуманда хилват, зоҳир юзидин ҳалқ била ва ботин тарафидан ҳақ- субҳонаҳу ва таъоло била”¹⁸⁴. Яъни Нақшбандийлик тариқатининг асосий ақидалари хилватнишинликда, чиллахонада ўтириш эмас, балки хилват ва ҳаловатни анжуманда, дўйстлар даврасида топиш; ҳақда ва ҳақиқатни излаб, нотаниш юртларда сарсон- саргардонликда юрмасдан, ўз ватани , юртининг шаҳру кишлоқларини зиёрат қилиш; зоҳирда одатдаги ишларда ҳалқдан айрилмай, у билан ҳамнафас бўлиш, ботинда, яъни дилида ҳамиша ҳақ таъоло билан яшаш керак. Нақшбандийлик тариқатида ҳам яссавия руҳидаги инсонпарвалик гояси илгари сурилади, кибру ҳаво эса кескин қораланади. Нақшбандийлар ўзларининг айбларини сира яширмай, очик айтадилар, бу ҳам етмагандай, бошқаларнинг ҳам айблари, гуноҳларини ўз зиммаларига оладилар.

Нақшбандийлар яна ... “дер эрмишларки: бизнинг тариқимиз сухбатдур ва хилватда шуҳратдур ва шуҳратда оғат”. Яъни, солиҳлар “шуҳратда оғат” борлигидан хилватда ўтириб, шуҳрат орттирмайдилар. Ва яна: “Хайрият жамиятдадур ва жамият сухбатда. Бу шарт билаки бир-бирига нафи бўлунгай ва улча ул бузург буюрубдирларки... агар жамъи бу йўл солиҳлари бир-бири била сухбат тутсалар, унда кўп хайру барокот...”¹⁸⁵.

Шу маънода сўфийлар, бўлғуси валийлар нодир инсонларнинг сухбатида бўлишга жуда катта эътибор берганлар. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ўз асарларида ҳар бир валийни таърифлаганларида уларнинг замонасидаги қандай улуғ зотларнинг сухбатига

⁵¹ Абдухолик Ғиждувоний. Маслак ал – орифин. –В. 476.

¹⁸⁴ Алишер Навоий Насоимул мухаббат” Т.115-бет

¹⁸⁵ Алишер Навоий “Насоимул мухаббат” Т.132-бет

етишганликларини алоҳида таъкидлайдилар. Бинобарин, ҳадисда айтилганидек, азизлар сұхбатининг бир соати күп йиллик мактаб, мадраса сабоғидан афзалдир.

Мол- дунё йиғмаслик, факирона яшаш валийларнинг асосий шиорларидан бўлиб, Ҳасан Басрий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавийлар ҳам амалда факирона яшаганлар. Буни Ҳожа Баҳоуддиннинг ўз шеърларида ҳам кўриш мумкин.

Ҳеч моне у ҳеч молам не?

Аз пайи ҳеч, ҳеч мөғам не?

Жанда бар пўшт пушти гўристон,

Гар бимирем, ҳеч матом не?

Яъни:

Бизга ҳаю ҳашам на ҳожат?

Фақир, ночормиз, ғам на ҳожат?

Жанда бирга ўлсак, мозорда-

Дабдабали мотам на ҳожат?

Ҳазрат айни вақтда ҳимматсиз бошқалар обрўйи соясида яшашни қоралайди:

Ки токай гўри мардонро парасти,

Ба гирди гўри мардон карди, расти.

Яъни : Токай излагайсан паноҳ мардлардан,

Мардлар ишин қилиб, кутул дардлардан.

Агар Яссавий тариқатида “ўлмай туриб ўлиш”, бу дунёга боғлаб турган ўткинчи ҳаю-ҳаваслардан ва умуман борлиқдан воз кечиб, “фано филлоҳ” мақомига етиш, доимо тоат-ибодат билан яшаш тарғиб этилса, Баҳоуддин Нақшбанд тариқатида эса тоат – ибодат бошқачатушунилади. Нақшбанд фикрича, “Ал-ибодату ашарату ажзаин (ибодат ўн қисмдан иборат) тисъатун минха талабул- ҳалали (ибодатнинг ўндан тўққиз қисми- ҳалол касб таълабига амал қилишдир) ва жузун ваҳидун минҳа саъирул- ибодати (ва шундан ўндан бир қисмигина- бошқа ибодатлардан - намоз, рўза ва бошқалар). Бу исломда сўнгги пайғамбар замонидан бўён ўртacha ташланган юксак маънавий таълимот эди.

Абдухолик Фиждувоний кашф этган 8 та муқаддас манзил (калимоти қудсия) га Ҳожа Баҳоуддин яна 3 та манзил, даража қўшган: 1. Вуқуфи замонавий- вақт манзили. Бу манзилда солих ўз умрини қандай ўтказаётганлигини назорат қиласи: агар савоб ишлар билан ўтказса худои таолога шукrona айтади, аксинча, гуноҳлар қилса, тавба – тазарру қиласи.

2. Вуқуфи ъададий- хисоб-китоб манзили: хаёлан зикр, дуо, ниятларни назорат қилиш.
3. Вуқуфи қалбий солик ўз қалбида Аллоҳ зикри қанчалик теран нақшланиб қолганлигини назорат қиласи. Баҳоуддиннинг бошқа кўпчилик сўфийлардан фарқи шундаки, у ҳар қандай валий, авлиё ҳам фақат намоз, дуо, ибодатлар билангина эмас, балки рухни, кўнгилни камол топтириш билан бирга ҳалол меҳнат билан ҳам тирикчилик қилиши зарур , деб ҳисобларди.

Марказий Осиёдаги дарвешлик жамоаларининг асосий шартлари – уйланмаслик, оила қурмаслик, мол-дунё тўпламаслик, таъма қилмаслик, бирорнинг ҳақига кўз олайтирмаслик, борига сабр-қаноат қилиб яшашликдан иборат эди.

Дарвеш- қалардарлар асосий иши сафар, саёҳат бўлиб, бирор меҳнатнинг этагидан тутмас эдилар. Улар умуман оила , бола – чақа кўрмай, тиранчилик, факирлик билан кун-кечиришни, ўзларини бу дунё бойликлари, роҳат- фароғатларидан маҳрум қилиб, нафсларини жиловлаб, ҳеч кимга ва ҳеч нарсага муҳтожлик сезмай, гадоликда яшашни фахрли деб билардилар. Дарвеш - қаландарларнинг баъзилари уй-жойсиз, бошпанасиз, авлиёга икки дунё бир қадам, деб сафарларда, юрсалар, бошқалари- ўзлари танлаган пирлари, устозлари қошида билим, тарбия олишар ва хонақоҳга вақфлардан, хайр-садақалардан тушиб турадиган неъматлар билан яшар эдилар. Бухорода амирнинг маҳсус фатвоси билан шаҳар майдонларида пайшанба кунлари дарвеш – гадойлар, ҳеч кимсасиз ғариблар учун аҳолидан хайр- садақа йиғиб олинар эди. Бундай пайтларда дарвеш – қаландарлар бандаларнинг гуноҳларини, қиёмат қунидаги жазоларини эслатиб, “кўпинча Яссавий, Сулаймон Бақирғоний ҳикматларини ўқир эдилар.

Дарвешлар ўзларининг ташки қиёфалари, жулдур ва куроқ кийимлари билан ажралиб туришарди. Улар бошларига шайдойи дўппи, учи мўйнали қулоқ кийишарди. Қўлларида, муттақо- асо (хасса), белларида- камар, ёнларида ошқовоқ пўстлогидан қилинган каду ёки кашкул осиб юришарди. Қулоқларини ёпишга- сайли, белбоғига тешиб ип ўтказилган тошсанги мурод, эгниларида яктак устидан кийиладиган турли –туман, куроқ матолардан ямаб- тикилган, енги калта жанда ёки хирқалар бўларди. Баъзи дарвешлар бошқаларга сира ўхшамаслик учун қоплон пўстагини елкасидан ошириб, боғлаб олардилар.

Илгариги вақтларда Мовароуннаҳрда, хусусан Бухоро ва Марвда, шунингдек Хуронсон шаҳарларида минглаб, гоҳида ўн минглаб дарвешлар шу шаҳарлардаги ҳаёт оқимини алғов- далғов қилиб юрар эдилар.

Баҳоуддин Нақшбанд дарвеш – қаландарларнинг мана шундай нотинч ҳаёт тарзини ислоҳ қилиб, бутунлай ўзгартирди. У сўфийлар дарвешларнинг тарки дунё қилишига қарши чиқди. Баҳоуддин дарвешлар, сўфийларни ўзларининг осойишта, бехавотир яшашлари, бирорларнинг қўлига қараб қолмасликлари учунҳалол меҳнат билан, масалан, ҳунармандчилик билан шуғулланишга чиқарди. Бу соҳада ўзи иборат кўрсатди, дастгоҳда тўкувчилик қилиб, нақш боғлаб, шогирдларига ҳунар ўргатди. Баҳоуддин қисман ҳазрати Султонул орифийн Аҳмад Яссавий изидан бориб, унинг нафс ва таъмагирликни қоралашига амалий жавоб тариқасида Туркистонда биринчилардан бўлиб дарвеш, сўфийларнинг ҳам меҳнат касб, ҳунар билан шуғулланиб, ҳам илм- маърифат олишни ёқалаб чиқди. Руҳоний, сўфий, дарвешнинг қўли меҳнатда, ҳаёли худои- таъолода бўлиши керак деб ҳисоблади ва бу таълимотни ихчам, лўнда қилиб: “Дил ба ёру, дастба кор” деган маънавий тамойилда теран ифодалади.

Баҳоуддин Нақшбанд жорий қилган бу янги удумга амал қилувчилар кундан-кунга, йилдан- йилга зиёда бўлиб борди. Бутун бошли дарвешларнинг жамоалари, минглаб қаландарлар тинч, осойишта ҳаётга қайтдилар. Улар ҳақ- таъоло йўлида маърифат ҳосила қилиш билан бир вақтда меҳнат қилиб, ўзларини-ўзлари боқа оладиган даражага етдилар. Ҳожанинг издошлари қўпайгандан қўпайди. Шу тариқа Бухорода оламга машҳур нақшбандийлик тариқати юзага келди.

Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг издошлари тоат-ибодатни ҳамма олдида эмас, кўнглида, ҳаммадан хилватда бажариш, яъни зикри хилватда амал қиласидилар. Ҳақнинг жамолини қўриш шарафига мұяссар бўлиш учун беш хил босқич , беш хил мақом даражаларидан ўтиш зарур эди:

Биринчи босқич – мақоми қалб, яъни ибодат қилувчи фақат қалбига эътибор бериш керак.

Иккинчи босқич- мақоми садр, яъни ибодат қилувчи ўзининг бошига , ақлига қулоқ солиши керак.

Учинчи босқич – мақоми зикр. Бунда барча эътибор Аллоҳнинг зикр этишга қаратилади.

Тўртинчи босқич- мақоми рух. Бунда жисмни унитиб, фақат руҳий оламда яшаш керак.

Бешинчи босқич- мақоми “ло” йўқлик мақоми. Бунда Аллоҳгина абадий, қолган барча мавжудотлар йўқликка кетишидан аввал секин, кейин тез тақрорлаш.

Табиат сир-синоатларга тўла. Аммо, энг сирли хилқат – бу инсон табиатидир. Хилқат бу инсоннинг маънавий табиатидир. Хусусан, Баҳоуддин Нақшбанд каби авлиёларнинг кўнглида не сирлар борлиги ёлғиз Аллоҳ таъология аёндири. Баҳоуддин каби улуғ зотларнинг сирларидан бири шуки, уларнинг руҳлари орадан кўп асрлар ўтгандан кейин ҳам мадад сўраганларга ёрдамга келади. Моддий қуролларнинг кучи етмаган олис масофаларга ва даврларга руҳий тўлқинлар етиб бора олади. Инсон тоат-ибодат қилаётганида, Таврот, Забур, Қуръон, Инжил каби муқаддас китобларнинг оятларини чин дилдан тиловат қилаётганида ҳам шундай руҳий мўъжизалар юз беради. Пайғамбарлар, авлиёлар эса ана шу кудсият оламининг элчилари дурлар.

АҲМАД ЯССАВИЙ ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН ҚАДРИ ВА МАЬНАВИЙ КАМОЛОТИ МУАММОСИ

**Саитқосимов А.Ф.Ф.Д.проф.- Жиздпи
Шамшиева В.- Жиздпи, тадқиқотчи**

Resume: The most common Sufi sects in Central Asia are Naqshbandi, Yassavia, Kubravia. In Sufism, the issues of educating the perfect man and raising his spiritual world are important issues. Ahmad Yassavi is a great Sufi scholar and a great representative of Sufism, who occupies a high place in the spiritual and enlightenment world of the Turkic peoples. Hodja Ahmad Yassavi left a great cultural legacy for generations to come. The thinker's collection "Devoni Hikmat" embodies universal principles such as truth, justice and humanity, and for centuries has been calling people to honesty and purity, religion, morality and decency. In the wisdom of the great thinker, the issue of educating the perfect man, which has been the main principle of the cultural development of human society since the creation of the world, has been at the center.

Марказий Осиёда сўфийлик шайхлар ва пирлар деб аталган устозлар раҳномолигида шаклланган алоҳида маърифий аҳамиятга эга бўлган маънавий воқелик сифатида тарқалди. Тасаввуф исломда янги тасаввуф-зоҳидий оқим бўлиб эл орасига ёйилган эди. Марказий Осиёда энг кенг тарқалган тасаввуф тариқатлари Нақшбандия, Яссавия, Кубравиядир. Тасаввуфда комил инсонни тарбиялаш ва унинг маънавий оламини юксалтириш масалалари муҳим масала ҳисобланади. Тасаввуфда комил инсон деганда барча илмлардан, зоҳирий ва ботиний билимлардан боҳабар, қалбida ғайб асрори жўш уриб турадиган зот тушунилади.

Туркий халқлар маънавий-маърифий дунёсида ўзининг юксак ўрнини эгаллаб келаётган буюк мутасаввуф олим, тасаввуф таълимотининг улуғ намоёндаси, ҳазрат Навоийнинг таъбири билан айтганда “Туркистон халқларининг шайхул-машойихи” Хўжа Аҳмад Яссавий ўзидан авлодларга улкан маданий мерос қолдирди. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг таъкидлашича, “Аҳмад Яссавийнинг ўлмас мероси буюк аждодларимиз – Жалолиддин Румий ва Юнус Эмро, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомий Ганжавий, Махтумкули Фироғий ва Бобораҳим Машраб каби шоирлар қаторида туркий халқларнинг умумий маънавий бойлиги сифатида ардоқлаб келинади”¹⁸⁶.

Мутафаккирнинг “Девони ҳикмат” тўплами ҳақиқат, адолат, инсонийлик, тўғрилик каби умуминсоний тамоилларни ўзида мужассамлаштириб, асрлар давомида халқларни ҳалоллик ва покизаликка, дину диёнатга, ахлоқ ва одобга чорлаб келмоқда. Л.Мирзоҳидованинг фикрича, “Девони ҳикмат” асосан ислом дини ғоялари, шариат ҳукмлари, пайғамбаримиз суннатлари ва яссавия тариқати билан боғлиқ мавзуларни қамраб олган ва уларни кенг халқ қатламлари орасига олиб киришни бош мақсад қилиб қўйган”¹⁸⁷.

Улуғ мутафаккир ҳикматларида дунё яралгандан бери кишилик жамияти маданий тараққиётининг асосий тамоили бўлган комил инсон тарбияси масаласи марказий ўринда туради. “Туркий халқлар тарихида кенг шуҳрат топган ва юксак маънавий нуфузга эришган улуғ зотлар жуда кўп бўлган, лекин Ҳожа Аҳмад Яссавийга ўхшаб асрлар мобайнида туркий қавмлар руҳоний ҳаётига раҳнамолик қилган ва шу кунларга қадар тасаввуф, адабиёт, маданият, ҳатто сиёсат жабҳасида таъсирини ўтказиб келган буюк сиймолар бармоқ билан санаарлидир”¹⁸⁸.

Маърифатли ва иймонли кишиларгина ўзининг ҳалол-пок меҳнати билан маънавий бойлик яратувчи, изланувчи, инсофли, меҳнатсевар, тадбиркор, эл-юрт дардига малҳам

¹⁸⁶ Мирзиёев Ш.М. Туркий Кенгашнинг видеоконференция шаклида ўтказилган норасмий саммитидаги нутқ. <https://president.uz/uz/lists/view/4272>

¹⁸⁷ Мирзоҳидова Л. XI-XII асрлар туркий адабиётида мажозий тасвир бадиияти. //Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. Самарқанд – 2018

¹⁸⁸ Иброҳим Ҳаққул. Аҳмад Яссавий. –Тошкент, F.Ғулом, 2001. –Б 3.